АВГУСТ ОЙИНИНГ ҲАР БИР КУНИ ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН ЎТСИН

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-йил чиқиши

№ 158 (4617).

11 АВГУСТ ЖУМА 1972 йил

Баҳоси 2 тийин.

ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШАЁТГАНЛАР

Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг Ленин ордени кавалери Абдусаттор ака Анорқулов бошлиқ бригада аъзолари СССР ташкил топган куннинг ярим асрлик юбилейини муносиб кутиб олиш учун меҳнат қилмоқдалар. Бригада азаматлари 70 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш ниятидалар. Ҳозир ғўзалар барқ уриб ўсмоқда. Ҳар бир тун ғўзада 3—4 дона бўлиқ кўсак, гул ва шона бор.

— Ҳосилни бутёд қилишда, — дейди бригада бошлиғи Абдусаттор ака Анорқулов, — моҳир механизатор, звено бошлиғимиз Сандқул Ҳолбоевнинг ҳиссаси бениҳоя катта.

Дарҳақиқат, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти шу йилнинг бошида қолоқ мазкур бригадага тажрибали деҳқон Абдусаттор ака Анорқуловни бригада бошлиғи қилиб тайинлади. Звенода эса механизаторлик касбини севган тажрибали йигит Сандқул Ҳолбоев раҳбарлик қилишга сўз берди. Ҳозирги кунда бутун бригада меҳнат аҳли ўтган йилги қолоқлик доғини ювиш учун колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ишончини оқлашга ҳаракат қилишмоқда.

Ҳ. АҲМЕДОВ.

▲ БЕКТЕМИР. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда ҳосил тўплаш ойлиги қизғин давом этяпти. Механизаторлар ғўза қатор ораларига ихтиёткорлик билан ишлов беряптилар. Суратда: колхознинг участка агрономи М. Тангиров культивациядан чиқарилаётган пайкалларни кўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ОБЛАСТЬ КОРХОНАЛАРИДА

МЕБЕЛЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Олмалиқ мебель фабрикаси республикадаги шу саноат тармоғининг илғор корхоналаридан ҳисобланади. Коллектив тез ва сифатли ишлашда бошқаларга намуна бўлмоқда, ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш, прогрессив технология ва илғор иш усулларини қўлланиш туфайли давлат планларини доим зиёдаси билан бажармоқда.

Мебелчилар шу йилнинг ўтган ойларида ҳам самарали ишлашди. СССР ташкил топган кунининг ярим асрлик тўйини муносиб нишонлаш учун социалистик мусобақанни авж олдириб, етти ойлик уй жиҳозлари реализация қилиш топшириғини 105 процентдан ошириб адо этдилар. Ишлаб чиқаришнинг барча техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам бирмунча яхшиланди. Маҳсулот сифати ортди, таннархи эса арзонлашди. Бундан коллектив ўнларча минг сўмлик иқтисодий самара кўрди. Айниқса, меҳнат унумдорлиги тинмай юксалмоқда. Ўтган етти ойда ҳар бир мебелчининг иш унуми белгиланганига нисбатан 6,7 процент ортди.

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Оҳангарон чорвадорларининг 1972—1976 йилларда чорвачиликни янада ривожлантириш учун олган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотларига Оҳангарон районининг тадбирларини муҳокама қилиб, шу асосда фермаларда чорвачиликка доир юбилей социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ташкилотчилик ишини авж олдириб юбориш, шу тарақа гўшт, сут ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни анча кўпайтиришга эришиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР совхозлар, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалик, мелиорация ва сув хўжалиги министрликларига ва «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасига — Оҳангарон районн совхозлари чорвачиликни юксалтириш юзасидан олган юксак мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда уларга ҳар томонлама ёрдам беришни топширди.

Республика ва область газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетига Оҳангарон районининг янги юксак социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини кенг ёритиб бориш топширилди.

ОҲАНГАРОН РАЙОН ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ 1972—1976 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Район қишлоқ хўжалик ходимлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан юксак марраларни белгилаб олдилар.

Биз илғор тажрибаларга таяниб, ички хўжалик резерваларини ўрганиб, илғари олинган мажбуриятларни қайта кўриб чиқдик ва қишлоқ хўжалигини, аввало, унинг етакчи тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантириш юзасидан 1972—1976 йиллар учун янада юксак вазифаларни белгиладик.

1976 йилда қора моллар 26 минг бошга етади ва шу йилнинг бошидагидан 2 баравар кўпаяди.

Сигирлар 1971 йилдаги 4,2 минг бош ўрнига 6 минг бошга етади ёки 76 процент кўпаяди. Гўшт етиштиришни кўпайтириш учун чўчқачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Чўчқалар сони ҳозир қурилаётган чўчқачилик комплекси имкониятларини ҳам ҳисобга олганда 84 минг бошга етади ёки 7,8 баравар кўпаяди. Районда гўшт ва жун қўйчилиги ривожлантирилади, қўй ва эчкилар туёғи 66 процент кўпайиб, 114,5 минг бошга етади. Йилқилар туёғи 35,6 процент, уруғчи қўйлар 13 баравар, тухумга кирган паррандалар 2 баравар кўпаяди.

Подани урчитиб кўпайтириш ва ёш молларни боқиш яхшиланади, сут ва гўшт берадиган чорвачилик ва қўйчиликдаги наслчилик иши йўлга қўйилади.

Чорва ва парранда маҳсулдорлигини ошириш чораларини бажариш ҳам белгиланди, сут соғиб олиш ўрта ҳисобда 2800 килограммга етказилади ёки 600 килограмм кўпайтирилади. Гўштга топширилаётган қора молнинг ўртача вазни 400 килограммга, қўйнинг вазни 50 килограммга, чўчқанинг вазни 115 килограммга етказилади, тухумга кирган ҳар бир товуқдан йилига 135 донадан тухум олинади.

Ана шуларнинг ҳаммаси чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга топширишни анча кўпайтириш имконини беради.

Район совхозларида гўшт етиштириш 1976 йилнинг охирига бориб тирик вазнда 10 минг тоннага етади ёки 1971 йилда эришилган даражадан 4,8 баравар ортади, сут етиштириш 5,8 минг тоннадан 15 минг тоннага етиб, 2,6 баравар, тухум етиштириш 1,8 миллион донадан 5,4 миллион донага етиб, 3 баравар, жун етиштириш 139 тоннадан 286 тоннага етиб, икки баравар кўпаяди.

Маҳсулот етиштиришни, чорва туёғи ва паррандаларни бу қадар кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш-мураккаб ва масъулиятли вазифадир. Лекин у бемалол бажарса бўладиган реал вазифа ҳамдир. Чорвачиликни бундай юксалтиришда озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Районда янги ерларни ўзлаштириш ва уларнинг сув таъминотини яхшилаш иши жуда кучайтириб юборилади. Дон, сабзавот, полиз экинлари, картошка, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш билан бирга озуқа экинлар майдони кенгайтирилади, уларнинг ҳосилдорлиги оширилади. Ерлардан янада самаралироқ фойдаланамиз, экинларни бирга қўшиб, такрор экиладиган ва қатор ораларига экиладиган майдонларни кенгайтирамиз.

Райондаги ҳамма совхозлар беда ни маккажўхорига қўшиб эрта кўкламда экиб оладилар, уларни сифатли парвариш қиладилар, озиқлантирадилар, суғорадилар ва гектар бошига камида 400 центнер маккажўхори кўкпояси ва 40 центнер беда пичани оладилар.

Бундан ташқари эртаги экинлар ҳосили йиғиштириб олинганидан кейин силос ва кўк поя учун такрорий маккажўхори экилади.

Озуқабоп экинлар майдони 18 минг гектардан 22,7 минг гектарга етказилади ёки 24,5 процент кўпайтирилади, шу жумладан беда поялар, 3,3 минг гектардан 7,6 минг гектарга етказилади, сугориладиган ерлардаги беда поя ҳосилдорлиги гектар бошига 140—150 центнерга, ламмикор ерларда 40—50 центнерга етказилади.

Дон олиш учун экиладиган маккажўхори майдони икки баравар, силос ва кўкпоя учун экиладиган маккажўхори майдони эса 44 процент кенгайтирилади, маккажўхори донининг ҳосили гектар бошига 50 центнерга ва кўкпояси 500—600 центнерга етказилади.

Илдиз мевали экинлар етиштириш 20 минг тоннага етказилади ёки эришилган даражадан беш баравар кўпайтирилади.

Район хўжаликларида озуқа тайёрлаш ва уни қайта ишлашнинг прогрессив методлари актив жорий этилади. Дағал хашакнинг ҳаммаси молларга кертилган ва майдаланган ҳолдагина берилдиган бўлади.

Озуқани донадор ҳолда тайёрлаш, сенаж тайёрлаш ва витаминли ўт талқони тайёрлаш кенг қўлланилади.

Ҳамма хўжаликларда озуқа цехлари қурилади.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш натижасида жамоат чорвачилиги дағал-ширали ва концентрат озуқалар билан тўла-тўкис таъминланади.

Чорвачилик биноларини қуришга, фермалардаги сермеҳнат жараёнларни механизациялашга катта эътибор берилиб, шу тарақа меҳнат сарфи анча қисқартирилади ва маҳсулот таннархи камайтирилади.

1976 йил охиригача чорвачиликдаги ишларни механизациялаш даражаси: сут соғишда 90 процентга, озуқа беришда 70 процентга, гўнг тозалашда 75 процентга, мол суғоришда 95 процентга, қўйларнинг жунини олишда 100 процентга етказилади.

Кундалик ишимизда чорвадор кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга, уларни семинарлар ва курсларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга кўпроқ эътибор берилади, шу йўл билан ҳамма чорвадорлар ўз ишининг малакали усталарига айлантирилади.

Район меҳнатчилари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб беш йилликнинг иккинчи йили топшириғини муддатидан аввал бажарадилар ва Оҳангарон райони қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадилар.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

⊙ ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ШУ КУНЛАРДАГИ МЕҲНАТИМИЗГА, ҒАЙРАТ, ШИЖОАТ ВА АҚЛ-ИДРОКИМИЗГА БОҒЛИҚ. ⊙ ҒЎЗАНИ ТЕЗРОҚ ПИШИРИШ УЧУН БАРЧА ТАДБИРЛАРНИ КЎРАЙЛИК. ⊙ КАМ ҲОСИЛЛИ ҒЎЗАЛАРНИ СЕРҲОСИЛ ҚИЛИШ УЧУН КАМИДА ИККИ МАРТА ИШЛОВ БЕРАЙЛИК. ⊙ ҒЎЗАЛАРНИ «ШАРБАТ»ГА ҚОНДИРАЙЛИК. ⊙ ГЎНГ, ҚУЙ ҚИЙИ, ЭСКИ ИМОРАТ ВА ПАХСА ДЕВОР ТУПРОҒИНИ ҒЎЗА ТУПЛАРИГА КЎПРОҚ СОЛИБ, ЕРНИ ҚИЗДИРАЙЛИК. ⊙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИ ҚИРИБ ТАШЛАНГ.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ОЗАРБАЙЖОН ДАЛАЛАРИДА

БАКУ, (телефон орқали олинди). Мусобақадош Ўзбекистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари бир неча кундан бери Озарбайжоннинг пахтакор хўжаликларида меҳмон бўлиб туришибди. Улар қаерга борманинг ҳамма ерда озарбайжонликлар самимий кутиб олишмоқдалар. Пахтачиликни ривожлантиришда эришаётган ишларини ўз ҳамкасбларига айтиб беришяпти.

Ўзбекистонлик пахтакорлар Евлоқ, Адаш, Зардоб, Курдамир ва бошқа районларда бўлганларида озарбайжонликларнинг СССР 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашиб, мўл пахта ҳосили етиштираётганликларининг гувоҳи бўлишди. Оқсув районидаги «Боку» колхозининг ранси ўртоқ Сейдали Мамедов хўжалик аъзоларининг эришаётган ютуқлари ҳақида қувонч билан гапирди.

— Биз, — деди колхоз ранси, мусобақадошлар билан бўлган учрашувда, — ўзбекистонлик олимлар томонидан яратилган «С—4727» навли чигит экиб, кўплаб ҳосил олямиз. Бу нав бизнинг шароитимизга жуда мос келди. Бу йил ҳам шу уруғлик чигитдан экиб, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганмиз. Ҳозир йиғим-теримга тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордик. Ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдами билан териб олишга эътибор берамиз.

Сўзга Ўзаро текшириш бригадасининг аъзоси Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозининг ранси Мирза Каримов аралашди. У тошкентли пахтакорларнинг бу йилги ажойиб меҳнатлари ҳақида гапирди. Шу билан бирга Ленин номли колхоз деҳқонлари пахтачиликни ривожлантириш юзасидан катта ишлар қилаётганлигини айтди. Колхоз ранси бундан кейин ҳам икки республика деҳқонларининг дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Боку» колхози аъзоларини социалистик мусобақага чақирди. Бу чақириқ «Боку» колхози аъзолари томонидан якдиллик билан қабул қилинди.

Мусобақадошлар Оқсув районидаги бошқа колхозларда ҳам бўлдилар. Кейин Курдамир райони хўжаликларини кўздан кечирдилар. Ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг иш якунига бағишланиб ўтказилган йиғилишда Киров номли колхознинг ранси Мамуд Мамедов сўзга чиқиб, хўжалик деҳқонларининг фикр ва истакларини ифода этиб, Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзолари билан мусобақа ўйнашга беллашганлигини айтди.

Ўзбекистонлик пахтакорлар Девлоқ районидаги «Коммунист» колхози пахтакорларининг ишидан беҳад ҳурсанд бўлишди. Деҳқонлар ғўза қатор ораларига намунали ишлов беришган, ҳосилга-ҳосил қўшишни уддалаганлиги билан ташкил этишган. Шу сабабли кўсаклар тез етилиб пишмоқда.

— Биз, — дейди шу колхознинг бригада бошлиғи Сари Тоиров, — бу йил теримга анча барвақт киришамиз, 20 августдан бошлаб теримни бошлаймиз. Бизнинг далаларимизда «Ўзбекистон» маркали кенгкаторли «зангори кема»лар ишлайди. Уларнинг ёрдами билан ҳосилимизнинг ҳаммасини теріб оламиз.

Евлоқ районидаги Ильич номли колхозга республика Олий Советининг депутати ўртоқ Алагул Жаъфарова раҳбарлик қилмоқда. Айниқса, хўжалик кейинги йилларда ўсиб юксалди. Экономикаси мустаҳкамланди. Пахтакорларнинг бу йилги ҳаракати ҳам чакки эмас. Пландан ташқари 700 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олган ҳолда ишлашяпти. Оқтош районидаги ўртоқ Ҳалил Халилов раҳбарлик қилаётган «Кавказ» колхозида ҳам ҳосилга-ҳосил қўшиш зардоб ойлиги яхши кетяпти. Чеканка барвақт тамомланган. Шунинг учун ҳам кўсаклар кейинги кунларда қийғос очила бошлади.

Ўзбекистонлик пахтакорлар мусобақадошлар далаларида бўлганларида ғўзани культивация қилиш, терим машиналарига майдонлар ажратиш соҳасида қилинаётган ибратли ишларни қайд қилиш билан бирга йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам аниқладилар. Шу билан бирга уларнинг олдини олиш юзасидан бир мунча қимматли маслаҳатлар бердилар.

Мусобақадош Озарбайжон далаларида мўл пахта ҳосили бирин-кетин етилиб пишмоқда. Улар Ўзбекистон ва бошқа қардош деҳқонларнинг яқиндан биродарларча ёрдами ва бегараз маслаҳатлари туфайли ҳар гектар ерда мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Юбилей йили вахтасида туриб ишлаб, бу йил ўз зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилишган. Пландан ташқари қўшимча пахта топширишга қатъий аҳд қилганлар. Биз дўстларимизнинг ўз сўзлари устидан чиқишларига тўла ишонамиз.

С. МАҲКАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОЗАРБАЙЖОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ МАСЛАҲАТЛАРИ

10 августда Тошкент область партия комитети бюросининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Бюрода мўл «оқ олтин» ҳосили тўплаш юзасидан областимиз колхоз ва совхозларида қилинаётган ишларни бир неча кун мобайнида текширган Озарбайжон пахтакорлари бригадасининг ахборотн тинглади.

Ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари ўртоқ Г. Б. Аҳмедов пахта далаларида бригада аъзолари кузатган ишлар ҳақида батафсил гапириб берди. У беш йилликнинг иккинчи йилида тошкентликларнинг катта хирмон кўтариш учун жонбозлик кўрсатаётганлиги, амалга ошираётган қувончли тадбирлари ҳақида мамнунлик билан сўзлади. Шунингдек, у ғўзаларни парвариш қилишда йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди.

Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский область партия комитети, область ижроия комитети ва областимиз пахтакорлари номидан озарбайжонлик дўстларга кўрсатган ёрдамлари ва қимматли маслаҳатлари учун миннатдорчилик изҳор этди.

Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси ҳисоботи юзасидан область партия комитетининг бюроси қарор қабул қилди.

ИСТИҚБОЛ ОДИМЛАРИ

Халқимиз шонли саналарни ҳамиша муносиб меҳнат совғалари билан нишонлашга одатланиб қолган. Айни кунларда барча меҳнаткашлар бир мақсад билан яшашмоқда: СССР ташкил топган кунинг олтин тўйини муносиб қаршилашдир.

Тошкент трикотаж фирмаси коллективи ҳам шонли санани юксак меҳнат кўрсатгичлари қўлга киритиш билан нишонлашга аҳд қилган. Корхона филиалдари, цех ҳамда бўлимлари ўртасида социалистик мусобақа кучайтириб юборилди. Бешйилликни муддатидан олдин бажариш, маҳсулот сифатини тобора яхшилаб бориш, таннархини арзонлаштириш, тикилаётган кийим-кечакларнинг юқори сортларда бўлишига эришиш барчанинг диққат марказида турибди.

Фирма касаба союз комитети раиси ўртоқ Исматхўжаева билан корхона цехларида бўлиб, яратувчилик меҳнат билан банд бўлган қўли гул тикувчилар билан суҳбатлашдик. Янги моделларни кўздан кечирамиз. Нина Павловна корхона аҳли эришаётган ютуқлар, ойлик, квартал планларнинг бажарилиши, ишчи-хизматчиларнинг яхши ишлаб, яхши дам олишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида ҳикоя қилади:

— Бешйилликнинг иккинчи йилида ҳам баракали меҳнат қиляпмиз. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш ярим йиллик топшириғи ҳамда июль ойи плани муддатидан олдин бажарилди. Олти ой ичида мўлжалдагидан ташқари 300 минг сўмликдан ортиқ трикотаж маҳсулотлари реализация қилинди. Яхши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ортди.

— Рақамларни таққосласак, — ҳикоясини давом эттиради фабком раиси, — ўсиш-ўзгаришлар яққол ўзини кўрсатади. Чуночи маҳсулотни реализация қилиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 процентга кўпайди, ишчилар сони оз ошмаган ҳолда савдо тармоқларига маҳсулот етказиб бериш 17 процент ошди.

Хўжаликни янгича системада бошқаришга ўтишимиз, янги техника ва илғор технологияни кенг қўллашимиз, илғорлар тажрибасининг ёйилиши меҳнат унумдорлигини кескин кўтарилишига олиб келди. Фақат ўтган икки йил мобайнида меҳнат унумдорлиги 13 процент ошди. Бундан ташқари, тикилаётган маҳсулотларимиз сифати сезиларли даражада яхшиланди ва айни вақтда биринчи сортларга топширилаётган буюмлар 1,7 процентга, устки трикотаж эса 2,7 процентга кўтарилди.

«Тежоғлиқ иш — бежоғлиқ», — дейди халқимиз. Корхонамиз тикувчилари кундалик фаолиятларида ана шу нақлга амал қилмоқдалар. Яқинда янги машиналар комплекси келтирилганди. Ҳозир улар монтаж қилиб бўлинди. Машиналар тўла қувват билан ишлай бошлагач, фирмада йилига 200 тоннадан ортиқ чиқинди қайта ишланадиган бўлади. Шунингдек, бошқа корхоналарда кераксиз ҳисобланган чиқиндилар ҳам бу ерга олиб келинади. Бундан йилига 300 минг сўм даромад қилинади.

Фирмамиз маъмурияти, айниқса ёшларнинг мусобақанинг ёки бу формасида иштирок этишларига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Улар ўртасида вақти-вақти билан ўз касбининг устаси конкурси ўтказиб туриш яхши анъанага айланиб қолди. Яқинда ёш тўқувчилар мусобақаси ўтказилди. Қизлар ишни тез улаш бўйича ўзаро куч синашдилар. СССР ташкил топган кунинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган конкурсда олти киши ғолиб чиқди. Эндиликда ғолибларнинг иш усули барча тўқув цехи чеварлари орасида кенг ёйилмоқда.

«Бешйилликда — зарбдор меҳнат» деб номланган мусобақа ҳам ой сайин оммавий тус олмоқда. Ҳозирнинг ўзида унда 200 дан ортиқ комсомол-ёшлар иштирок этишмоқда. Мусобақа иштирокчилари олдига масъулиятли вазифа қўйилган. Чуночи, унда аввало ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига, меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ошириб борилишига, ёш ишчининг техника хавфсизлиги қоғоз-қоидаларини қандай ўзлаштирганига, жамоатчилик ишларида қатнашиши, ўз маҳоратини ўстириш борасида изланиши ва бошқа факторларга алоҳида эътибор берилади.

Одатдагидек, мусобақага якун ясалгач, унда юқоридаги талабларга жавоб берган ишчи-хизматчилар фирма касаба союз комитети томонидан муносиб тақдирланади. Масалан, фақат шу йилнинг ўзида биз корхона фондидан 300 га яқин кишига, фабком фондидан 200 дан ортиқ кишига турли хил мукофот ҳамда моддий ёрдам кўрсатдик. 200 га яқин чевар имтиёзли путевкалар билан марказий ҳамда маҳаллий дам олиш уйлари, санаторийларда, саломатликларини тиклаб қайтдилар. 22 ишлаб чиқариш илғорига эса бепул йўлланмалар берилди.

Бундан бир ой муқаддам яна бир тадбир амалга оширилди. У ҳам бўлса фирманинг бош корхонасидаги ошхона тушлик таомлар баҳосини 20 процентга арзонлаштирди. Бундан ташқари, коллективнинг талаб ва истагига мувофиқ сабзавот ҳамда полиз экинлари маҳсулоти билан савдо қилиш ҳам йўлга қўйилмоқда.

Бундай ғамхўрликка жавобан тикувчиларимиз тағин ҳам баракали меҳнат қилмоқдалар, ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Бу йил ўтган йилга нисбатан 3 миллион 200 минг сўмлик кўп товар маҳсулоти, 300 минг сўмлик ортиқча ички трикотаж ишлаб чиқарилди. Шунингдек, акрил ҳамда мэрондан янги-янги маҳсулот тикишга кўчилади.

— Шу кунларда Тошкент трикотаж фирмасида 70 хил ассортиментда маҳсулот тикиляпти, — сўзида давом этади ўртоқ Исматхўжаева.

Чиндан ҳам фирмада бўлган киши корхона коллективининг шонли санани муносиб кутиб олиш учун ҳар жабҳада жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётгани гувоҳи бўлади. Бундан ўттиз йилча муқаддам кичик бир артель базасида ўз фаолиятини бошлаган бугунга келиб уч мингдан ортиқ кўли гул чеварларни бирлаштирган фирманинг бугунги куни шундай, истиқболи эса янада порлоқдир.

Я. САЛИМОВ.

ДЕВЯТОВАЧИЛАР ҳаракатига қўшилиб, беш йиллик планни уч йилда бажаришга аҳд қилган Тошкентдаги 2-тикувчилик фабрикасининг чеварси Дилбар Тожибоева ўз ваъдасини шараф билан бажармоқда. Нормани доим ортиғи билан адо этяпти, қўлидан чиқаётган маҳсулот сифати ҳам кўнгилдагидек. Суратда: комсомол тикувчи Дилбар Тожибоева.

Ф. АБДУРАСУЛОВ фотоси.

Қисқа САТРЛАР

АНГРЕН. Меҳнат Қизил Байроқ орденли кўмир разрези мунтазам янги техника билан бойимоқда. Кўпи кеча Ижорскийдан келтирилган яна тўртта янги экскаватор иш бошлади.

Ф. ПЕТРОВ.

●

ЧИРЧИҚ. Ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати ўз маҳсулотини ўнлаб чет эл мамлакатларига ҳам экспорт қилади. Август нинг бошида шундай маҳсулотлардан катта бир партияси Болгарияга жўватилди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

●

ОРЖОНИКИДЗЕ. «Правда» колхозининг Ленин номли участкасида 50 ўринли боғча қурилянти. Колхозинг Т. Тошматов бошлиқ қурувчилар бригадаси янги боғчани яқин кунларда фойдаланишга топширади.

А. ФОЗИЛОВ.

КАСБ ТАНЛАШНИ ИСТАСАНГ

ОЛИЙ ўқув юртлари ва техникумларда кириш имтиҳонлари қизғин давом этяпти.

Очиғини айтганда, конкурс бу йил жуда катта. Ҳар бир студентлик ўрнига бир нечтадан даъвогар бор. Албатта, имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўрган, қобилиятли ёшлар бу конкурсдан бемалол ўтишлари ҳам мумкин. Лекин ҳамма ҳам ўта олмайди. Имтиҳонлардан ўтолмаслик ёки балл етишмаслиги оқибатида институт-техникумларга кира олмаслик турган гап. Лекин бундан тушкунликка тушмаслик, қўлни ювиб қўлтиққа урмаслик даркор. Касб ўрганиш лозим.

Касбни тўғри танлай билиш керак. Ана шундагина сизнинг талантингиз тўла намоён бўлади, орадан кўп ўтмай ҳурмат-эътибор қозонасиз. Биз Тошкентдаги қатор йирик саноат корхоналари раҳбарларига мурожаат қилиб, улардан ўрта мактабни битириб чиққан ёш йигит қизлар корхоналарда қандай касбларни ўрганишлари мумкинлиги, уларнинг маҳоратни тинмай ошиб бориши, турмуш шароити яхшиланиши учун қандай тадбирлар кўрилиши ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик. Қуйида ана шу корхоналар раҳбарларининг жавобларини эълон қиляпмиз.

ТОШКЕНТ трактор заводининг директори ўртоқ П. М. МИРЗААҲМЕДОВ:

— Мен ўрта мактабни битириб чиққанларга аввало шу нарсани эслатиб ўтмоқчиман: тракторсозлик ўрта Осиё учун янгиликдир. Трактор ишлаб чиқарувчи корхонамиз биринчи бўлиб барпо этилди. Шунинг учун ҳам тракторсозлик касбини эгаллаш истиқболлари жуда каттадир. Бизга тракторларни синаб кўрувчилар, обкатка қилувчилар, шунингдек машинасозлик учун жуда ҳам зарур бўлган бошқа мутахассисликлар эгалари — токарлар, фрезерчилар, силлиқловчилар, темирчилар даркор. Бизга бўлимларда ишлаш учун чизмачилар, деталлар лойиҳасини тузувчилар керак. Бундан ташқари, ёрдамчи цехлар учун машинасозликнинг барча мутахассисликлари бўйича ишчилар керак.

Корхонамиз истиқболи жуда порлоқдир. Бизда маҳсулот ишлаб чиқариш муттасил кўпайиб боради, корхонамиз эса кенгайтирилади. Ўнинчи синфни тугатган ёшлар заводимизда хоҳлаган касблари бўйича ишлашлари, шу билан бирга самолётсозлик, машинасозлик техникумларининг корхонамиздаги филиалларида, истаган шаҳар олий ўқув юртларининг бирида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Биз корхона ҳузурида ҳунар-техника билим юрти барпо этяпмиз. Бу билим юртида ёшлар мураккаб ишчи касбларини ўрганади.

Ишчиларнинг бўш вақтлари самарали ўтиши, яхши дам олишлари учун қулай шароитлар мавжуд. 720 ўринли маданият саройимиз бор. Унда ўнлаб турли-туман тўгараклар ишлаб турибди. Спорт иншоотлари комплекси ҳам мавжуд. Стадионимизга ўн минг киши сиғади. Каттагина гимнастика зали, чўмилиш ҳавзаси ёшларни ўзига ҳар доим чорлайди. Футбол, волейбол ва бошқа командаларимиз бор. Биз ёшлар ҳар томонлама камол топишлари ҳақида муттасил қайғурамиз. Чимёнда лагеримиз ишлаб турибди, туристик база ташкил этилган. Чорвоқ сув омбори соҳилида дам олиш уйи қурамиз. Бу ерда елканли спорт ривожланади.

Ўнинчи синфни битирган ёш йигит-қиз яхши ишчи бўла олади, чунки, унинг билими турли касбларни эгаллашда енгиллик туғдиради. Ҳамма гап уларда дастлабки кўникмаларни пайдо қилишда қолган. Биз заводга ишга келган ёшларни бир ой давомида, шогирд сифатида фойдаланамиз, уларга 40 сўм маош тўланади. Бир ойдан сўнг эса ишбай ҳақ тўлашга ўтказилади. Маошлари ҳар ойда 100 сўмгача етади. Сўнгра малакали комиссия уларга юқорироқ разрядлар беради. Ёш йигит ва қиз икки йил давомида учинчи разряд олиши мумкин. Беш-олти йил ўтгандан сўнг бешинчи-олтинчи разрядли ишчи бўлиб қолади.

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг бош инженери В. В. ЗИКОВ:

— Комбинатимиз республикамиз пойтахтининг энг кекса корхоналаридан ҳисобланади. Биринчи беш йилликлар даврида қурилган комбинатимиз ўзининг тарихи, шонли анъаналарига эга. Ҳозирги вақтда корхонамиз реконструкция қилиняпти, эски асбоб-ускуналар янги, замонавий унумли ва қиймматбаҳо агрегатлар билан алмаштирилмоқда. Фақатгина шу йилнинг ўзида биз уч миллион сўмлик янги асбоб-ускуналарни ўрнатишимиз керак.

Комбинатимиз фабрикаларида меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган жуда кўп тадбирлар кўрилмоқда. Корхонамиз ҳузурида ҳунар-техника билим юрти, фабрика-завод ўқуви мактаби бор. Биз кўпроқ шогирдлар жалб қилишга ҳаракат этяпмиз. Иккита ишчи ёшлар мактабимиз бўлиб, улар смена асосида ишлайди. Дам олишнинг сурилувчи графигига амал қиляпмиз. Бизда олий ўқув юртлари ёки техникумларга кириб ўқиш учун қулай имкониятлар бор. Техникумимиз ишлаб турибди, ўзбек тилида таълим берадиган мактабда юзлаб тўқимачилар ўқиляпти. Тўқимачилик ва енгил саноат, педагогика, чет тиллар институтлари корхонамиз ёнгинасида. Биз мактаблар ва институтлар билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Тўқимачиларимизнинг ўқиши, билим олиши билан муттасил қизиқамиз, лозим бўлса ҳамма ёрдамни кўрсатамиз.

Комбинатда ёшларнинг турли хил спорт билан шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратилган. Тўқимачилар маданият саройи, спорт клуби, иккита спорт зали, суви исситиладиган қишки чўмилиш ҳавзаси, дам олиш зонаси ёшлар ихтиёрида. Бўстонлиқнинг хушманзарали жойларида лагеримиз бор.

Айрим ёшларда, айниқса йигитларда комбинатда фақатгина хотин-қизлар ишлай олади, деган нотўғри тушунча бор. Аслида ундай эмас. Йигитлар учун ҳам иш топилади. Бизга электр техниклари, ёрдамчи мастерлар, созловчилар, тунукачилар, сантехниклар керак. Уларнинг маоши ўртача 160—180 сўмни ташкил этади. Комбинатимиз планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлаяпти; ишчи-хизматчиларга ўн учинчи маош, кўплаб мукофотлар тўланмоқда. Тўқимачиларнинг унумли меҳнат қилиши ва яхши ҳордиқ чиқариши учун қатор қулай шароитлар бор. Бу соҳадаги ишлар эса янада кенг кўламда давом эттирилади.

ТОШКЕНТ кабель заводи директори ўртоқ С. Р. АЛИМОВ:

— Қўлимиздан чиқаётган маҳсулотни фойдаланмаётган халқ хўжалигининг бирорта ҳам тармоғи йўқ. Кабель ва симлар барча қурилмаларнинг асоси ҳисобланади. Улар бамисоли бир асаб хужайралари бўлиб, бутун информация, ток шулар орқали узатилади. Техника ва фаннинг тез суръатлар билан ривожланиши, янги машиналар, буюмлар ва конструкцияларнинг яратилиши муносабати билан кабель маҳсулотларига нисбатан талаб ва эҳтиёж кескин ортмоқда. Турли хил машиналарнинг ишлаш шароитлари кабель фани ва ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан тараққий эттиришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам кабеллар ва симларни тайёрлашни автоматлаштириш ва механизациялаш тобора кучаймоқда, поток автомат линиялар кўплаб жорий қилиняпти. Қатор етакчи касбларнинг мазмуни ўзгарди. Уларнинг илгариги вақтдаги номидан асар ҳам қолмади.

Масалан, эритувчи—прокатчи меҳнати бундан беш-олти йил илгари жуда оғир эди. Ҳозир эса бу операциялар тўла автоматлаштирилган. Оператор бошқариш пульти ёнида туриб, бутун линиянинг ишини тартибга солади. Умуман, биздаги барча касбларнинг ўзига яраша гашти бор, улар тобора қизиқарли бўлиб қолмоқда. Кабель маҳсулоти мураккаб бўлгани учун ҳам кўпроқ билим талаб этади. Ишчи жуда бўлмаганда ўрта маълумотли бўлиш керак.

Корхонамизда иш бир неча сменада ташкил этилган. Аммо, иштиёқ бўлса, бу билимни оширишга ҳеч қандай тўсқин бўлмайди. Бизда политехника институтининг кечки бўлими бор. Ўтган йили завод ишчи-хизматчиларидан ўнлаб киши ана шу бўлимда ўқидилар, аспирантлар группаси ҳам ташкил этилган. Бу группа тадқиқот ишлари билан шуғулланади. Группа аъзоси бўлган инженерлар (уларнинг кўпчилиги ишчилардан чиққан) завод ишлаб чиқариши материаллари асосида кандидатлик диссертациясини ёқлашга тайёргарлик кўришяпти.

Заводда ишчи-хизматчиларга маданий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш анча дуруст йўлга қўйилган. Барча цехларда соғлиқни сақлаш пунктлари бор. Бундан ташқари, поликлиника, профилакторийда кабелсозлар саломатлиги кузатиб турилади. Ҳаммаматли клубимиз бўлиб, унда 16 та тўгарак ишлаб турибди. Ишчи-хизматчилардан 356 киши разрядли спортчилардир. Улар альпинизм, қўл тўпи, волейбол, футбол ва бошқа спорт турлари билан шуғулланишади. Арнасойда овчиликбалиқ овлаш секцияси ташкил этилган. Пиқуддада дам олиш зонаси ишлаб турибди. Тошкентдагина эмас, республикамиздаги барча саноат корхоналари забардаст билакли ёш ишчиларга эҳтиёж сезмоқдалар. Шунинг учун ҳам меҳнат қучоғига отилинг, касб эгалланг. Бизда касбини ардоқлаган, унга меҳр қўйган киши ҳар доим эзозланади, ишчилар халқнинг ҳурмат-эътиборини, иззат-икромини қозонади. Чунки, ҳалол меҳнат қилган киши ҳеч вақт кам бўлмайди, халқ уни ардоқлайди, кафтида кўтариб юради.

Ёшлар касб эгалланг, унинг ўзингизга мосини ўрганинг!

С. ИУЛДОШЕВ.

ОКТЯБРЬ Революцияси ордени кавалери Исроил Исмоилов раҳбарлик қилаётган бригада Тошкентдаги 159-қурилиш трестининг илғор коллективларидан ҳисобланади. Коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак номни муносиб оқлаб келаётган бунёдкорлар меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ушбу суратда бригада бошлиғи Исроил Исмоиловни (чапдан тўртинчи) Равил Ханнанов, Зайтуна Шангариева, Жамол Акбаров ва Маҳмуд Ориповлар билан ўзаро суҳбатлашиб турган вақтда кўриб турибсиз.

Ш. ИБРОҲИМОВ фотоси.

ИШЧИНИНГ ОЛТИН ЮБИЛЕЙИ

Инсон боласи бир касбни танладими, уни севиши, эъзозлаши ва меҳр қўйиши керак. Ана шу касб туфайли коллектив аъзоси бўлади. Касб-ҳунар туфайли киши коллективга, кейин элга танилади, обрў-эътибор орттиради.

Биз, ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз Закира Аҳмедова меҳнат фаолиятини бошлаганига ярим асрдан ортиқ вақт ўтди. У эллик йилдан буён бир корхонада меҳнат қилиб келяпти. Меҳнат дафтарчасидаги бир жумла ҳамон ўзгаргани йўқ: «1922 йил 10 июньда Харьков канап заводига титувчи касбига қабул қилинди».

Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида Закира завод билан бирга Тошкентга келди. Тошкентда завод иш бошлади. Маҳаллий аҳолидан кадрлар тайёрлашга тўғри келди. Закира опа фабрикада тошкентликларга янги касб ўргата бошлади. Жуда кўп муносиб ўринбосарлар етиштирди.

Яқинда Тошкент канап фабрикасининг маъмурияти, партия ташкилоти, касаба союзи комитети кекса ишчининг меҳнат фаолиятидаги олтин юбилейни нишонлашди.

— Бир касбда эллик йил ишлаш осон эмас, — дейди фабрика директори Қ. Абдураҳимов. — Бунинг учун ишчи жонажон коллективни ва корхонасини севиши керак. Коллективимиз онахони Закира Аҳмедованинг меҳнатда босиб ўтган йўли шонли йўл ҳисобланади. Фабрикамизнинг ҳозирги ёш ишчи кадрлари учун бу ҳаётий йўл сабоқ ва ўрнак йўлидир.

Ҳамкасблари ва шогирдлари ўз устозларини сидқидилдан табрикладилар. Эсдалик совғалари топширдилар. Закира опа ҳамон меҳнат қўйнида, уни тарк этишни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Зина Нульман ҳам ўттиз йилдан буён ана шу фабрикада ишлайди. Станокни у бошқаргудай бўлса, ишлаб чиқариш командирлари ҳотиржам. Чунки, катта тажрибага эга бўлган бу донгдор аёл доим тез ва сифатли ишлайди. Нормани ошириб бажариш унинг учун одат бўлиб қолган. Корхона маъмурияти яқинда ветеран ишчини бир ойлик маош билан мукофотлади.

Коллектив ўз сафида шундай ишбилармон, меҳнатсевар ишчилар борлиги билан ҳақли равишда фахрланади. Фабрикада ким билан суҳбатлашманг бу ветеран ишчилар ҳақида фақат илиқ, ҳурмат-ифтихорга тўла сўзлар эшитасиз. Кўпчилик уларни устоз деб атайди. Бунинг тагида жон бор, албатта. Чунки, фабрика цехларида бу тажрибали канап йигирувчиларнинг ўнлаб шогирдлари ишлаяпти. Улар ҳам ўз устозлари сингари меҳнатда, юриш-туришда, хулқ-атворда касбдошларига ўрнак бўлишаяпти.

З. Аҳмедова, З. Нульман ўртоқлар сингари ветеран ишчилар корхонада анчагина бор. Улар унумли ва сифатли ишлаш билан бирга бошқаларни ҳам меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришишга ундамоқдалар.

А. ОБИДХУЖАЕВ.

ОБОД ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАР

КАЛИНИН. Райондаги кўпгина қишлоқлар шаҳар типига мослаб қайта қурилмоқда. Бу жиҳатдан Хонобод қишлоғида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Қишлоқ Советининг ижроия комитети аҳоли истиқомат қилаётган пунктларда медицина, маиший хизмат кўрсатиш, аҳволини ўрганиб чиқди. Натижада «Партия XXI съезди» ва «Ўзгариш» совхозлари территорияларида қўшимча савдо точкалари ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари қуриш планлаштирилди.

ОҚҚУРҒОН. Свердлов номли колхоз Кетмонтепа қишлоғига жойлашган. Хўжалик йилдан-йилга иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили колхозда ҳар бир колхозчининг ўртача иш ҳақи 2853 сўмни ташкил этди. Меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигининг ортиши муносабати билан қишлоқ Совети ҳам ўз ишини бирмунча бошқачароқ ташкил қилди.

Совет аъзолари оила бюджетидан унумли фойдаланиш масаласини ўрганиб, шу мавзуда колхозчилар билан учрашув кечаси ўтказдилар. Колхозчилар уйларини янги мебеллар, холодильник, кир ювиш машиналари, қўл меҳнатини енгиллатадиган бошқа анжомлар эгаллади.

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Ленин қишлоқ Совети йил бошида Ленин номли, «Северный маяк» колхозлари ва «Ўртасарой» совхозининг молиявий плани билан танишиб, қишлоқ меҳнаткашларининг турмушини яхшилашга оид қимматли фикрлар билдирган эди.

Ҳозир бу хўжаликларда ана шу план асосида иш олиб борилмоқда. Хусусан, колхоз ва совхозлардан тўпланган маблағлар 100 қойкали касалхона, 640 ўринли мактаб қурилишига, шунингдек 12 километр масофага водопровод қувурлари ўтказишга сарфланмоқда.

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Пискент район халқ маорифи бўлимига қарашли барча мактабларда янги ўқув йилига намунали тайёргарлик кўрилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказишни тугаллаш ва умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига жавобан қатор ишлар қилинди.

Ўтган ўқув йилида райондаги 36 мактабда 15.144 ўқувчи таълим олди. 7363 ўқувчи фақат «4» ва «5» баҳоларда ўқиди. Бу умум ўқувчилар сонининг 48 процентини ташкил қилади.

Ўрта таълимнинг асоси бўлган бошланғич синфларга эътибор кучайганлиги ўқув йилининг якунида ҳам яққол кўринди. I-III синфларда таълим олаётган 5541 ўқувчидан 3291 бола ўқув йилини фақат «4» ва «5» баҳолар билан якунлади. Бошланғич синфлар бўйича 98 процент, юқори синфлар бўйича эса 96,7 процент ўзлаштиришга эришилди. Кўпгина фан ўқитувчилари ва группа раҳбарлари ўз фанлари ва ўқитаётган синфлари бўйича ўқув йилини тўла ўзлаштириш билан якунлаб, маорифчиларга намуна бўлдилар.

КПСС XXIV съезднинг халқ маорифини янада такомиллаштиришга қаратилган қарорларини амалга ошира бориб, партия, совет ва жамоат ташкилотлари, колхоз ва совхозлар кўмагига таяниб, мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилди.

Мактаблар ремонтини жадаллаштиришда оталиқ ташкилотларнинг кўмаги бениҳоя катта бўлди. Бу ўринда райондаги Калинин номли, Охунбобоев номли колхоз, 1-«Пискент» совхози, Пискент пахтачилик заводи ва қатор ташкилотлар номини тилга олса арзийди. Оталик ташкилотлари ёрдамида Ҳамза, Ленин, Киров, Ойбек, А. Икромов, Успенский, Низомий, М. Шайхзода, Калинин номли ва «III-Интернационал» мактаблари 20 июлдаёқ сифатли ремонтдан чиқарилди. Шунингдек, бир мактаб-интернат, бир кечки ишчи-ёшлар, 3 та мактабдан ташқари муассасалар ҳам сифатли тўла ремонт қилинди.

Фан асосларини чуқур ўргатишда дарсларни техник воситалар, кўргазмали қуроллар ёрдамида ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун мактабларда фан кабинетларини янги ўқув йилига тахт қилиб қўйишга катта эътибор беришди.

Ҳозирда қайта тайёрловдан ўтиши лозим бўлган 426 ўқитувчидан 362 киши ўз малакасини оширди. Қолганлари эса 1 августдан бошлаб қайта тайёрлов группаларига жалб қилинади.

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ҳам шу кунинг муҳим вазифасидир. Бунда ҳам оталик ташкилотларининг ёрдами катта бўлмоқда. Жамоатчилик ёрдами билан кутубхона фондига 13 минг сўмлик китоб олинди. Бу ўринда 3-кўчма механизация колоннаси ва пахта заводи каби оталиқ ташкилотларнинг ташаббусларини оммалаштирса арзийди. Улар томонидан мактабларнинг кутубхона фондлари учун 2 минг сўмга яқин маблағ ажратилди.

Мактабларни ва ўқитувчилар квартираларини ёқилғи билан таъминлаш ҳам кўнгилдагидек олиб борилмоқда.

Янги ўқув йилига тайёргарлик кўп қиррали ишдир. Мактабларни биринчи сентябргача тахт қилиб қўйиш билан бирга, 8, 10-синфларни тамомлаган ёшларни ўқиш ва ишга жойлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ёзги дам олишларини намунали уюштиришга ҳам эътибор берилди. Бунинг учун райОНО советида қатор тадбирлар белгиланди. Бу масала район партия комитети ва район ижроия комитетида ҳам муҳокама қилинди.

Район мактаблари янги ўқув йилига тахт. Маориф ходимлари биринчи сентябрни ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ.
Пискент район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

СОВЕТ-ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИ ОЙЛИГИ

9 августда мамлакатимизда Совет-Ҳиндистон дўстлиги ойлиги бошланди. Ойлик Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида тузилган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартноманинг бир йиллигига, шунингдек Ҳиндистон мустақиллиги эълон этилганлигининг 25 йиллигига бағишланади.

Совет дўстлик жамиятлари союзида ТАСС мухбирига маълум қилишларига кўра, ойлик кунлари Совет-Ҳиндистон маданий алоқалари жамиятининг бўлимлари ишлаб турган тўққизта иттифоқдош республикада Озарбайжон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Латвия, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда меҳнаткашларнинг мана шу саналарга бағишланган митинглари ва йиғилишлари ташкил этилади. Жамиятнинг коллектив аъзолари бўлмиш уларнинг сони ҳозир 200 тага етди. Саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида, маданият муассасаларида ҳам йиғилиш ва кечалар бўлиб ўтади.

Москваликлар ойликда актив қатнашадилар. Шарқ халқлари санъати музейида «Ҳиндистон санъати» выставкаси тайёрланмоқда. В. И. Ленин номли СССР Давлат кутубхонаси Ҳиндистон шоир ва прозачиларининг китоблари, шунингдек совет авторларининг дўст мамлакат тўғрисида яратган асарларининг экспозициясини ташкил этади. СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти Ҳиндистоннинг 25 йиллик юбилейига илмий кенгаш мажлисини бағишлайди. Кинотеатрларнинг экранларида ҳинд кинорежиссерлари яратган бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади.

СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

НЬЮ-ЙОРК, 9. Совет Иттифоқининг «Душанбагача омон бўлсак» бадиий фильмига Америка томошабинлари жуда қизиқиб қолди. Ушбу фильм Нью-Йоркнинг таниқли «Ривженси» кинотеатрида намойиш қилинмоқда.

«Нью-Йорк пост» газетаси фильмни инсондаги катта ҳиссиётлар тўғрисидаги тўлқинлантирувчи фильм деб атади. Танқидчилар асосий ролларни ижро этувчилар—Вячеслав Тихонов, Ирина Печерникова ва бошқаларнинг ўйинини айниқса таъкидлаб ўтдилар.

⊙ БОЛГАРИЯ. «Бобов дол» энергия комплекси қурилиши социалистик мамлакатлар ҳамкорлигининг ёрқин мисолидир. Бу қурилишга Болгариядаги заводлар билан биргаликда СССР, Польша, ГДР, Венгрия, Чехословакия, Югославия корхоналари ҳам асбоб—ускуналар етказиб бермоқда. Беш йиллик нинг охирига бориб, электростанция нинг қуввати 840 минг киловаттга етади. Суратда: поляк ва болгар инженерлари ускуналарни монтаж қилиш хусусида маслаҳатлашмоқдалар.

БТА-ТАСС фотоси.

КУБАНИНГ ВАЛИҚ ОВЛАШ ФЛОТИ ЗЎРАЙМОҚДА

ГАВАНА, 9 август. (ТАСС мухбири). Куба балиқчиларининг фидокорона меҳнати яхши ов билан тақдирланмоқда. Улар сўнгги ўн икки ойнинг ўзидагина 130 миллион тоннадан знёд балиқ, креветка ва лангуст овладилар ва 1970—1971 йилнинг шу давридаги овдан қариб 16 минг тонна ошириб юбордилар.

Ҳамма томони денгиз билан ўралган Кубада революциягача «кемасозлик», «навигация», «балиқ овлаш саноати» деган сўзлар ишлатилмасди. Эндликда соҳил бўйи суваларининг ўзида неча юзлаб балиқ овловчи катта-кичик кемалар тунукун ов қилмоқда. Бу кемаларнинг кўплари Кубанинг ўзида қурилган. Миллий кемасозлик саноати истиқболлари янада каттадир: 1976 йилга бориб Куба кемасозлик корхоналари 600 дан ошиқ катта ҳажмли балиқ овловчи кемалар ясаб сувга туширади.

„ЛОТ“ ЖАҲОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА

ВАРШАВА, 9 август. (ТАСС мухбири). Польша ҳаво флоти қанотларини тобора кенг ёймоқда. Польша ҳаво алоқа жамияти «Лот» йўллари ПХРни турли қитъалардаги 24 давлат билан, шу жумладан СССРнинг уч шаҳри билан боғлаб турибди.

Келаси йил Польша Америка қитъаси билан ҳаво алоқаси ўрнатади. Бу йўлда СССРдан сотиб олинган «ИЛ—62» самолётлари учади. Шу йилнинг декабрида Польша самолётлари Польша ҳаво флоти тарихида биринчи марта Австралияга бориб қўнади. Варшава-Тошкент-Мельбурн-Сидней трассасидаги биринчи рейс 23 ярим соат давом қилади. У Европа қитъаси билан Австралия қитъаси ўртасидаги энг тез алоқа бўлади.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг яқинда Москвада ўз ишини тугатган XXVI сессияси якунлари жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборида турибди. Дунё матбуоти бу темага катта ўрин бермоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, сессияда кўрилган масала ўз аҳамиятига кўра Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатлар манфаатлари доирасидан ҳам ташқари чиқиб, халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг жуда кўп томонларини қамраб олади.

Маълумки, Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашининг ... сессиясида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳартомонлама алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган гоят муҳим ҳужжатлар Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш ҳамда Социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг Комплекс программаси қабул қилинган эди. Шундан бери бир йил вақт ўтди. Бу муддат ичида Комплекс программада белгилаб берилган вазифаларни бажариш йўлида қандай ишлар амалга оширилди? Социалистик иқтисодий интеграцияни янада ривожлантириш учун нималар қилиш керак? Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг делегациялари XXVI сессияга тўпланиб, ана шу масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар. Сессия ишида Кенгаш аъзолари бўлган мамлакатлар — Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия делегациялари иштирок этдилар. Шунингдек, Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгаши билан Югославия Социалистик Федератив республикаси ўртасидаги келишувга биноан ЮСФР делегацияси ҳамда Куба Республикасининг делегацияси ҳам қатнашди.

Сессияда қилинган докладлар ва Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашининг аъзоси бўлган мамлакатлар делегациялари бошлиқларининг нутқларида ўтган бир йил мобайнида социалистик иқтисодий интеграция Комплекс программасини амалга оширишга муваффақиятли киришилди ва бундай яхши бошланиш жаҳон социализм системасининг халқаро позициясини ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг жипслигини янада мустаҳкамлашда гоят муҳим аҳамиятга эгадир, деб якдиллик билан қайд этилди.

Маълумки, Комплекс программа ўн беш-йигирма йилга мўлжалланган. Шу программа асосида ўтган бир йил ичида амалга оширилган катта ишлар шуни кўрсатиб турибдики, социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга қаратилган экономика, фан ва техника соҳасидаги интеграция процессларини ривожлантириш йўли ниҳоятда тўғри йўл бўлиб, социализм мамлакатлари халқларининг туб манфаатларига жуда мосдир.

Айрим рақамларга мурожаат қилайлик. Бу рақамлар Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг экономикаси жадал ривожланиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Кейинги йигирма йилда (1950—1970 йилларда) Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларда саноат ишлаб чиқариши қариб етти баравар кўпайди. Ривожланган капиталистик давлатларда эса 2,8 марта ортди. 1971 йилда Кенгашга кирган мамлакатларнинг миллий даромади 6,3 процент ўсди, саноат ишлаб чиқариши эса 7,8 процент кўпайди. Айни вақтда энг ривожланган капиталистик мамлакатларда эса саноат ишлаб чиқариши бир процентдан ҳам камроқ ошди. Бинобарин, АҚШ ва Италияда ҳатто камайиб кетди. Ташқи савдо обороти 1971 йилда 60 миллиард сўмни ташкил этди, ўзаро савдо обороти эса тўққиз процент ўсди.

Кенгаш аъзолари бўлган мамлакатлар жаҳон хўжалигидаги ўз мавқеларини анча яхшилаб олдилар. Бу мамлакатларда ер юзи аҳолисининг ўндан бир қисми бўлгани ҳолда дунё саноат маҳсулотининг тахминан саккиздан бири ишлаб чиқарилмоқда. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда жаҳон бўйича ўртача даражадан 3 баравардан кўпдир.

Социалистик мамлакатларнинг дўстона ҳамкорлиги иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тўла намоён бўлмоқда ва ўз самараларини бермоқда. Масалан, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни олиб кўрайлик. Бирлашган энергосистемаларни бошқариш бўйича марказий диспетчерлик ташкил этилди. Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашининг аъзолари бўлган мамлакатларни электр энергияси билан таъминлаш анча яхшиланди. 1971 йили электр энергиясини ўзаро айирбошлаш миқдори 16 миллиард киловатт-соатни ташкил этди. XXVI сессия иштирокчилари ана шу ташкилотнинг фаолиятини бундан кейин ҳам такомиллаштириб бориш, бирлашган энергетика системалари ишини кенгайтириш истагини билдирдилар. Ана шу мақсадда манфаатдор мамлакатлар куч-ғайратлари билан 750 киловольт кучланишли электр узатиш линияси қурилади. Атом электростанцияси қурилиши соҳасидаги ҳамкорлик давом этади. Бундай станциялар учун ускуналарни биргаликда ишлаб чиқарилади. Хўжалик ҳисобида ишлайдиган бирлашма — «Интератоминструмент»нинг тузилиши бу йўлдаги дастлабки қадам бўлди. «Интератоминструмент» халқаро бирлашмаси Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг атом техникаси асбоблари ва қурилмаларига бўлган эҳтиёжларини қондириб туради.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Сессия қатнашчилари социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг дастлабки натижаларини якунлаб, яқин келажакдаги вазифаларни белгилар эканлар, моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш, айтайлик, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш истиқболларига алоҳида эътибор билан қарадилар. Бу соҳада эришилган илк натижалар қайд қилиб ўтилди. Масалан, машинасозлик ишлаб-чиқаришини ихтисослаштириш ва кооперациялаш соҳасидаги ютуқлар тилга олинди. Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасида машинасозлик маҳсулотини ўзаро айирбошлаш 1971 йилда ўн процент кўпайди. Ихтисослаштириш ва кооперациялаш бўйича биринчи марта кўп томонлама битимлар тузилди. Шиша ва керамикадан буюмлар ясайдиган ускуналар ишлаб чиқариш бўйича, юк автомобиллари, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари, ички сувларда қатнайдиган денгиз ва дарё кемалари ишлаб чиқариш бўйича битимлар имзоланди.

Социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирлар комплексида ташқи савдо ва валюта-молиявий муносабатларни такомиллаштириш катта аҳамият касб этади. Сессия қатнашчилари таъкидлаб ўтганидек, халқаро инвестиция банкининг ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик банкининг роли тўхтовсиз кучайиб бормоқда. Жумладан, халқаро иқтисодий ҳамкорлик банкининг 1971 йилда берган кредитлари миқдори 42 процентдан знёд кўпайди. Халқаро инвестиция банки эса шу кунгача Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашининг аъзолари бўлган мамлакатларга 20 та йирик саноат объектини қуриш ва реконструкция қилиш учун кредитлар берди.

Социалистик иқтисодий интеграция, яъни социализм мамлакатлари экономикасини ривожлантириш истиқболларини кўзлаб, биргаликда планли равишда иш кўриш интернационализм принципларига, давлат суверенитети ва мустақилликни, миллий манфаатларни ҳурматлаш, мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, тўла тенгҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва ўртоқларча ўзаро ёрдамлашиш негизига асосланган. Ана шу принциплар негизида Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгаши атрофига жипслашган мамлакатлар социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг Комплекс программасини амалга ошириш жараёнида ўз ички ресурсларининг тўла хўжайини бўлиш ҳамда бу ресурслардан фойдаланиш ва иқтисодий тараққиётга бўйсундириш учун кенг имкониятларга эгадирлар. Шу жиҳатдан қараганда Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг халқ хўжалигини планлаштириш соҳасидаги алоқаларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Кенгашнинг планлаштириш фаолияти соҳасида ҳамкорлик бўйича комитети иш бошлаганлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

XXVI сессия арафасида комитетнинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган барча мамлакатлар экономикаси учун катта аҳамиятга молик масалалар, мамлакатларни хомашё ва ёнилғи билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, комитет мажлисида СССР территорияси да Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия ва Совет Иттифоқининг биргаликда кучғайрат сарфлаши билан Усть-Илим районида йилига 500 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқарадиган йирик комбинат қуриш тўғрисидаги бош битим лойиҳаси тайёрланди. Комбинат маҳсулоти юқорида номлари қайд этилган мамлакатлар ўртасида тақсимланади. Бу битим Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашининг XXVI сессиясида имзоланди.

СССР делегациясининг бошлиғи ўртоқ А. Н. Косигин сессияда таъкидлаб ўтганидек, социалистик мамлакатларнинг халқ хўжалик планларини координациялаш 382 миллион аҳолиси бўлган мамлакатлар ҳамдўстлигини ривожлантириш улкан программасининг умумий режаларини ҳозирнинг ўзидаёқ кўриб туришга имкон беради. Бу планларнинг амалга оширилиши ўн йил давомида экономикамизни икки бараварга яқин кўпайтиришни, фан ва техниканинг тез ривожланишини таъминлаши лозим.

Сессия қатнашчилари иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, социалистик иқтисодий интеграцияни кенг ривожлантиришга доир кўпгина масалаларни қараб чиқдилар ва тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Куба республикасининг Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгаши аъзолигига қабул қилинганлиги сессиянинг муҳим якуни бўлди.

Сессия якунлари Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва такомиллаштириш ҳамда социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантириш жараёнини янада авж олдиришга қаратилиб ишлаб чиқилган йўли тўғри эканлигини тўла исботлаб турибди.

Т. МИРҲОДИЕВ.

ВЕНЕСУЭЛА СССР ЮБИЛЕЙИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

КАРАКАС, 9 август. (ТАСС). Совет маданияти ва фани дўстлари маркази ижроия кенгашининг раиси профессор Родольфо Кинтер матбуот конференциясида нутқ сўзлаб бундай деди: Венесуэланинг тараққийпарвар жамоатчилиги бу йил жаҳондаги барча халқлар билан бирга Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигининг 50 йиллигини нишонлайди. СССРнинг ташкил топганлиги, деб таъкидлади у, «тенгҳуқуқлик ва кўпмиллатли давлат составига кирувчи халқлар дўстлиги принципларига асосланган ана шундай давлатни вужудга келтириш» имкониятини висоннат тарихида биринчи марта намойиш қилди.

Марказ яқинлашиб қолган шонли сана билан СССР халқларини қизғин эришган ютуқларга қойил қолганлигини билдиради.

Ана шу жамоат ташкилотнинг ташаббуси билан Венесуэлада шонли сана шарафига выставкалар очилади, совет кинофильмларини кўрсатиш ташкил қилинади, радио ва телевиденне венесуэлаликларни СССР ҳаёти билан таништиради.

БАНГЛАДЕШ ҲУКУМАТИНИНГ ИЛТИМОСИ

ДАККА, 9. Бангладеш ҳукумати БМТ Бош секретарига расмий мактуб йўллаб, Бангладеш Халқ Республикасини ушбу ташкилот аъзолигига қабул этиш тўғрисида илтимос қилди. Ташқи ишлар министри Абдус Самад матбуот конференциясида шуларни маълум қилди. У БМТга аъзо бўлган давлатларни Бангладешнинг илтимосини қўллаб-қувватлашга даъват этди.

МУЗОКАРАЛАР ЯНА БОШЛАНДИ

НИКОЗИЯ, 9. Бу ерда ўн етти кунлик танаффусдан сўнг ички Кипр музокаралари яна бошланди. Бу музокаралар оролдаги грек жамоаси билан турк жамоаси ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга ёрдам бермоғи лозим.

Музокараларда кипрлик грекларнинг вакили Г. Клиридис томонлар шу босқичда Кипрда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг тузилишидан иборат асосий проблемалардан бирини муҳокама қилмоқчилар, деди.

⊙ КХДР. Республикада энергетикани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хозирги даврда асосий темир йўл магистраллари, қишлоқлар деярли электрлаштириб бўлинди. Кейинги йилларда мамлакатда бир қатор нур иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1976 йилга бориб республикада электр қуввати ишлаб чиқариш 30 миллиард киловатт соатга етади. Суратда: электр асбоб-ускуналарини монтаж қилиш пайти.

ЦТАК—ТАСС фотоси.



ДУШМАНГА ЯНГИ ЗАРБАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 9 август. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари Сайгон секторида душманга ҳужум қилмоқдалар. Кеча ватанпарварлар Жанубий Вьетнам пойтахтидан 24 километр шарқда жойлашган Лонгтхань шаҳри яқинида қўғирчоқ қўшинларининг позицияларини ўққа тутдилар. Сайгон режими у ерга янги мадад кучларини юбориб Америка авиацияси ёрдамга чақирди. Лонгтхань остоналарида жанглар давом этмоқда. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, Сайгон қўшинлари бу районда катта талафот кўраётганликларини Сайгон қўмондонлиги тан олган.

Сайгондан 90 километр чамаси шимолда ҳам шиддатли жанглар олиб борилмоқда. Озодлик кучлари Анлок шаҳри атрофида душманга зарба бермоқдалар. Бу шаҳарда қўршаб олинган Сайгон қўшинлари гарнизони билан алоқа фақат ҳаводанолиб борилмоқда. Ватанпарварлар Сайгондан жанубиғарб томонда бутун Меконг дельтаси бўйлаб душманнинг ҳарбий постлари ва истеҳкомларига ҳужум қилмоқдалар. Митхо ва Кнентнонг вилоятларида ҳам жанглар тўхтамаётир.

Шимолий фронтда Куангчи учун жанг давом этмоқда. Халқ озодлик қуролли кучларининг артиллерияси Сайгон десантчилари ва денгиз пиёдалари қисмларини бутун яна ўққа тутди.

ХАНОЙ, 9 август (ТАСС). Озодлик матбуот агентлиги хабар беради: Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари 6 ва 7 августда Сайгон қўғирчоқ армияси парашютчилари ва денгиз пиёдаларидан 400 дан кўпроқ жангчини сафдан чиқардилар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари икки вертолётни уриб туширдилар, бир танкни ва 3 оғир тўпни яксон қилдилар.

ХАНОЙ, 9 август (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг Ташқи ишлар министрлиги Америка авиацияси Шимолий Вьетнамдаги аҳоли ишайдиган районларни ва ирригация иншоотларини бомбардимон қилганлиги муносабати билан баёнот берди.

Баёнотда бундай дейилади: Қўшма Штатлар ВДРга қарши жинояткорона урушни янада кучайтириш учун апрель ойидан бошлаб йирик ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларини сафарбар қилди. Америка самолётлари ва кемалари тўрт ой ичида республиканинг 18 вилоятини ва Биньлинь зонасини бомбардимон қилди ва ўққа тутди. Винь, Донгхой, Хатинь, Куаньбинь, Хонгай шаҳарлари деярли батамом вайрон қилинди. 60 мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юрти, қариб 50 қасалхона, госпиталь вайрон қилинди ёки қаттиқ шикастланти рилди.

МИКРОСКОПИК ДУНЁ СИРЛАРИ

СОВЕТ ФИЗИКЛАРИ ГЕЛИЙ—8ни КАШФ ҚИЛДИЛАР

Ватан физикаси яна бир катта ғалабага эришди: ғоят оғир гелий-8 кашф этилди. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ихтиро ва кашфиёт ишлари Комитети 8 августда бир гуруҳ олимларнинг шу катта ишини қайд этди.

Бутун планета олимлари микроскопик дунё хусусиятлари тадқиқотларига зўр эътибор бериб келади. Фото эмульсиядаги ҳар қандай сирли учқун туғёни ғоят қизғин бахслар, мунозаралар, янги тахминларга сабаб бўлади, Гелий-8 кашф этилиши совет физиклари Ю. А. Батусов, С. А. Бунятов, В. И. Гольданский, Я. Б. Зельдович, О. В. Ложкин, А. А. Римский-Корсаков, В. М. Сидоров, В. А. Ярба кўп йиллар мобайнида чуқур назарий ва экспериментал ишлар олиб боришларини талаб этди.

СССРда 1959—1960 йиллардаёқ гелий-8 мавжудлиги назарий башорат қилинган эди. Орадан бир йил ўтгач ушбу изотоп тажрибада пайқалди. Ядро эмульсиясида ғоят оғир гелий парчаланиш излари ҳосил қилинди. Табиатда шундай бўлиши мумкинлигини янада пухта тасдиқламоқ учун тадқиқотлар 1965 йилнинг октябригача давом эттирилди. Ўша йилнинг охирида Дубнадаги бирлашган ядро тадқиқотлари институти ядро проблемалари лабораториясининг бир гуруҳ физиклари ядро эмульсиясида гелий-8 бунёд бўлиш ва парчаланиш уч ҳодисасини бевосита қайд этишга ва унинг массасини ўлчаб олишга муваффақ бўлдилар. Орадан бир мунча вақт ўтгач, совет физиклари ғоят оғир гелий ҳосил бўлиши ва парчаланиши билан боғлиқ яна ўн олтита реакцияни қайд этдилар.

Кейинчалик бир группа америкалик олимлар ушбу изотоп ҳаёт вақтини аниқлаб бердилар.

Гелий-8 ядросини Д. И. Менделеев даврий системасидаги барча «қардошлари» орасида рекордчи деб атаса бўлади. Изотопда икки протон (мусбат зарядланган зарралар), олтита нейтронни (бетараф зарралар) ушлаб туради. Бу эса нормадагидан уч баравар кўпдир.

Ихтиро ва кашфиёт ишлари комитети раисининг ўринбосари В. Е. Царегородцев қилинган ишни юксак баҳолаб, унинг микроскопик дунё бундан буёнги тадқиқотлари учун муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади.

Ҳозир олимлар реакцияларда гелий-8 мавжудлиги проблемасига алоҳида эътибор бермоқдалар. Замонавий тасаввурларга кўра, юлдузларда муттасил водород «боғланган нейтронлар»га айланиб туради.

Айни шундай муҳитда, шу жумладан Қуёшда ҳам кўпдан-кўп гелий-8 бўлиши мумкин. Гелий-8 парчаланиши натижасида ғоят катта энергия чиқади. Мана шунинг учун ҳам олимларнинг фикрига кўра коинотдаги ҳар қандай «портловчи» астрофизик ҳодисаларда гелий-8 катта роль ўйнаши мумкин.

Комитетнинг шу мажлисида ядро парчаланиши янги ҳодисаси—вектор мезони деб аталувчи мезонларнинг фотонларга айланиши янги ҳодисасини очган бир группа физикларга дипломлар топширилди. Шу зарралар ҳам дарҳол электрон ва позитронларга айланиб кетади. Олимлар микроскопик дунёдаги шу ажойиб ҳодисаларнинг миқдорий параметрларини ҳам белгилаб ола бildилар. Шу параметрлар секундининг миллиарддан бир улушининг миллиарддан бир улуши билан ўлчанувчи ғоятда оз вақт ичида ўтади. Дарҳақиқат, фотон даври ҳаддан ташқари қисқадир!

Икки дунё—ядро дунёси билан электромагнит дунёсининг ўзаро таъсирини дадил бир эксперимент кўрсатди.

Дубнадаги бирлашган ядро тадқиқотлари институти билан СССР Фанлар Академиясининг П. Н. Лебедев номли физика институти олимларининг қилган ишлари «коинот яратувчи нуқталар»нинг мумкин бўлган ўзгаришларини моделлаш ва сунъий равишда кўрсатишга имкон беради.

А. ПРЕСНЯКОВ,
ТАСС мухбири.

▲ КАЛИНИН районининг миришкор соҳибкорлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп мева етиштиришяпти. Боғларда етилиб пишган ширин-шакар узумлар шаҳарликларга тўхтовсиз жўнатилиб турибди. «Партия XX съезди» колхози соҳибкорлари бу йил 12 тонна мева етиштириб беришга ахд қилишган. Суратда: (ўнгдан чапга) — боғбонлардан Акбар Акрамов, Олимжон Аваэов ва Сайкомил Сайиджонов узумларни кўздан кечиришмоқда.

Э. ТУРАЕВ фотоси.



ОЛИМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг павильонлари атрофидаги катта майдон машиналарга тўлиб кетди. Янги пахта териш комбайнлари ва кучли культиваторлар, аниқ миқдорда чигит экадиган сеялкалар ва кўсак чувиш машиналари — бу ерга қўйилган жуда кўп машина ва механизмлар совет пахтачилигининг гуркираб ривожланаётганлигидан, совет олимлари, конструкторлари, республика саноат ходимлари бу ишда катта ёрдам бераётганлигидан яққол далолат беради.

8 август куни халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб очилган тематик кўргазма ҳам совет пахтачилигининг ривожи ва Ўзбекистон илмий тадқиқот институтларининг бу ишга қўшган ҳиссаси тўғрисида ҳикоя қилади.

Стендларга илмий коллективларнинг пахтачилик учун керакли машиналар системасини такомиллаштириш, пахтани машинада териш проблемасини муваффақиятли ҳал этиш, прогрессив агротехникани деҳқончиликка жорий қилиш соҳасидаги жуда катта ишларини тасвирловчи схемалар, диаграммалар ва илмий ишлар қўйилган. Тажрибада синаб кўрилган алмашлаб экиш схемалари ҳамда ўсимликларни касалликлардан ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилишнинг самарали воситалари билан ҳам танишиш мумкин. Селекциончиларнинг энг яхши ишлари, жумладан, вилт касалига чидамли пахта навлари ҳам намойиш қилинмоқда.

Тематик кўргазма программасига мувофиқ турли илмий проблемаларга бағишланган ижодий мунозаралар, олимларнинг қишлоқ хўжалик илғорлари ва мутахассислари билан учрашувлари ўтказилади.

(ЎзТАГ).

ҲАР ТЎҒРИДА

УЛАР БИР-БИРЛАРИНИ КЎЗЛАРИДАН ТАНИЙДИЛАР

ПРАГА. Бу кишилар кўпчилик ҳолларда бир-бирлари билан нотаниш бўлсаларда, аммо хатто оломон орасида ҳам бир-бирларини бехато таниб оладилар. Уларнинг гапича, ўз шерикларини кўзлари «танитиб қўярмиш». Бу кўзларда ҳамиша осмон акс этиб турармиш.

Улар ёш ва касбдаги тафовутларга қарамай, ишдан ва машғулотлардан уйга қайтиб келгач, бирдай иш қиладилар-кечки овқатни тезда еб бўлгач... ҳар бири ўз томига чиқади ва каптарлари қандай учишини узоқ вақт кузатади.

ЧССРда почта каптарлари ва кўркам каптарлар боқиш билан 7 яшардан 70 яшаргача қариб ўн минг киши шуғулланади. Праганинг ўзидагина 140 каптарбознинг 5 минг 600 та каптари бор.

ИЛОН ХЎЖАЛИГИ

НАЙРОБИ. (ТАСС мухбири С. Кулик). Кенияда Баринго-кўли соҳилида ноёб хўжалик—«Илон фермаси» жойлашган. Ҳар йили хўжаликда етиштирилган неча ўн минг илон жаҳонининг турли чеккаларига юборилиб турилади. Фермانинг мижозлари орасида илмий тадқиқот институтлари, сеҳргарлар ва илон ўйнатувчилар бор.

Одатда фермада бир вақтда 5 мингта илон боқилади. Улар Кения, Эфиопия, Судан, Сомали ва Заирдан тутиб келтирилади.

«Биз илон сотиш билангина шуғулланиб қолмай, илон заҳарини ҳам чиқариб сотамиз. Бу заҳардан турли зардоблар ясалади,— деди ТАСС мухбири билан суҳбатда ферма раҳбари Жонатан Лики.— Илон тутиш жуда хавфли касбдир. Шунинг учун ҳам ходимларга қўйдиган асосий талабимиз асабни мустаҳкам қилишдир. Илон чаққан кишига ишлатиладиган зардоблар бўлсада, баъзида уларни қўллашга вақт етмай қолади. Масалан, африка заҳарли илони билан кўк илони чаққан киши 30—40 секундда нобуд бўлади».

Ферма тарантул, чаён, калтакесак ва тошбақа сотиш билан ҳам шуғулланади. Булар бутун дунёнинг ҳайвонот боғларига ва тадқиқот муассасаларига юборилиб турилади.

ЯПОНИЯ ТЕВАРАГИДАН ПИЁДА

ТОКИО. Нагоя университетининг студенти Куникадзу Кавано Япония қирғоғи бўйлаб пиёда айланиб чиқди. У мамлакатдаги асосий оролнинг ҳаммасини ва ҳар бирини айланиб чиқиб, 274 кун мобайнида 7.823 километр йўл босди. К. Кавано ғалати саёҳат учун маблағни ўқишдан бўш вақтларида йиғди. Пул фақат овқатланиш учунгина етди. У вокзал скамейкаларида, «табиат қўйнида» тунаб кетаверди.

— Мен бу саёҳатда ўзим учун гўзал мамлакатимизни яна бир бор кашф қилдим, дейди К. Кавано,— бу саёҳат умрбод ёдимда қолажак.

▲ БУЙИ 2 метр 48 сантиметр келадиган инглиз Генри Хаймининг кўчада одимлаб боришининг ўзи ҳақиқий бир спектакль. Хайме ана шу хайбатли бўй-басти эвазига каттагина гонорар олади. Унга ҳақ тўловчи телевизион компания Хаймега доимий телекамера ўрнатган.

Сурат «ВИСТАСО» (ПЕРУ) журналидан олинган.

ТАБИАТ ИНЖИҚЛИКЛАРИ

ТЕҲРОН. Бу йил табиат ўз инжиқликлари билан Эрон аҳолисини ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Қишда мамлакатда кўп қор ёғди, баъзи районларда қор кўрпаси қалинлиги 3 метргача етди. Эзнинг дастлабки ойларида симоб устуни 52 градусни кўрсатди. Қуёш бутун мавжудотни кул қилиб юборгудек туюларди. Бу ерда одатда энг иссиқ «мардод» ойи келгач, аксинча, ҳарорат тезда пасайишлади. Ҳозир Теҳронда ҳарорат цельсий ҳисоби билан 17 градус. Йўловчилар совуқдан жунжиқяптилар. Эрон пойтахтининг ва мамлакат жанубидаги районларнинг аҳолиси жазирамадан қочиб борадиган Каспий денгизининг жанубий соҳилида момақалдироқ бўлиб жала ёмғир қуймоқда. Денгиздаги сув ҳарорати 18—16 градусдан ошмаяпти. Ардобил районидаги тоғларга ҳатто қор тушди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ҚУҒИРЧОҚЛАР БИРМАГА БОРАДИ

Республика қўғирчоқ театри областимизнинг ҳушҳаво, ҳушмаҳзара жойларидаги пионер лагерлари, санаторийларда, ҳамда боғча ва истироҳат боғларида болалар учун намунали хизмат қилаяпти. Кичкинтойлар ижодий коллективнинг юксак маҳорати билан қўйилган спектаклларидан мамнун бўлишмоқда.

Театрнинг ўзбек бригада коллективи Бирма сафарига тайёрланмоқда. Улар Бирма мамлакати болаларига ўзбек қўғирчоқ театри санъатини намойиш этишади. Гастрол репертуарига Зульфия ва Сомовнинг «Семург» спектакли ҳам киритилган.

Ҳозирги кунларда А. Бичковнинг «Алдар кўса» пьесасини театрнинг бош режиссёри И. Еқубов саҳналаштирмоқда.

Т. РАҲМОНБЕРДИЕВ.

ДЕНГИЗЧИ БЎЛМОҚДАЛАР

Тошкент гарчи қуруқликдаги шаҳар бўлса ҳам бу ерда денгизчилар тайёрланмоқда.

Паркент бозори яқинида тўрт қаватли бино бор. Турли муассасалар қатори бу ерда ДОСААФ республика комитетининг «Тошкент денгиз мактаби» ҳам жойлашган. Мактаб бошлиғи запасдаги иккинчи ранг капитани В. Русаков Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, кўп йиллар ҳарбий кемаларда суғаи. Ўқитувчилар орасида ҳам денгиз ишини яхши билган, илгари ҳарбий-денгиз флоти жанговар кемаларида хизмат қилган кишиларни учратиш мумкин. Мактаб катта инструктори А. Деҳқонов, инструкторлар О. Қухарский, З. Самигов кабилар шулар жумласидандир.

Ҳарбий хизматга чақирилувчилар бу ерда Россия, ва Совет Ҳарбий Денгиз флоти тарихи, кема ва двигателларнинг, навигация асбоблари ва бошқа жиҳозларнинг тузилишини ўрганадилар, сўнгра Тошкент денгизида практикадан ўтадилар.

Тошкент денгизчилар мактаби уч йил мобайнида қўплаб бўлажак денгизчини тайёрлади. Уларнинг ҳаммаси ҳарбий-денгиз флотида хизмат қилмоқда. Мактаб ҳар йили икки марта ёшларни денгиз ишига тайёрлаб беради. Тўрт ярим ой мобайнида бўлажак денгизчилар хизмат учун лозим бўлган асосий кўникмаларни ҳосил қилишади. Бўлажак денгизчилар кейин давлат комиссияси олдида имтиҳон топширадилар.

Яқинда мактабни навбатдаги тамомлаганлар имтиҳонлардан муваффақиятли ўтишди. Тошкентдаги электротехника заводи слесари И. Солиев, унинг ҳамкасби А. Бекбоев, Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг слесари Т. Сорокин ва бошқалар имтиҳонларда аъло баҳо олишди. Улар давлат имтиҳонларидан ташқари ГТО янги комплексининг учинчи босқичи бўйича нормативлар ҳам топширдилар. Бўлажак денгизчилар қисқа калибрдан отиш, минг метрга кросс, 6 минг метрга марш югуриш, сузиш, граната улоқтириш ва ядро ирғитиш бўйича кучларини синаб кўрдилар.

Тошкент денгизчилар мактабида ҳозир канкуллар бошланди. Армиямизга муносиб ўринбосарлар етказиб беришдек шарафли вазифани бажараётган бу даргоҳ 1 октябрдан яна ўз бағрини шаҳримиз ёшларига очади.

А. МУРИЕВ.

АҚЛЛИ МАШИНАЛАР

Эндликда йирик корхона ва муассасаларда техника ва ҳисоб-китоб ишларини бажариш ишлари мураккаблашиб бораяпти. Шунинг учун ҳам жойларда электрон-ҳисоблаш машиналарига эҳтиёж сезилаётир.

Социалистик Чирчиқ шаҳрида жойлашган азот саноати давлат институтининг филиалида ҳам «ақлли» машиналар қўл келди. Кейинги ойлар ичида «илмий марказга «Мир», «Промінь» «Наирн» маркали электрон-ҳисоблаш машиналари ўрнатилди. Улар институт ходимларига қатор муаммоларни ҳал этишда яқин ёрдамчи бўлиб қолди.

Спорт

ЯРИМ ЙЎЛДАН ЎТИЛДИ

Шаҳмат бўйича жаҳон чемпионлиги учун Спасский — Фишер ўртасидаги мусобақанинг ярми тугади. Кечиктирилган ўн иккинчи партия давом эттирилгач томонлар 56-юришга бориб дурангга имзо чекдилар. Ўйин ҳисоби Фишер фойдасига 7:5 бўлиб қолди.

Регламентга кўра, навбатдаги ўн учинчи партия 10 августга белгиланган.

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛГАНДА

Олий лига футбол командаларининг навбатдаги тур ўйинлари дурангларга бой бўлди.

«Қайрат» ва «Зенит» ўз бахсларини 0:0 ҳисобида тугатдилар. Бокуда «Нефтчи» Марказий Армия спорт клуби футболчилари билан 1:1 ҳисобида ўйнади.

СССР кубогининг эртага бўладиган финали олдидан бўлажак рақибларнинг — «Торпедо» ва «Спартак» футболчиларининг ўйинлари катта қизиқиш тугдирди. Автозаводчилар Тбилисида «Динамо»га қарши ўйнадилар. Меҳмонлар дарвозасини бу сафар Банников ўрнига Ракитский ҳимоя қилди. Майдон эгалари сафида эса бетоб бўлиб қолган Хурцилава йўқ эди.

Автозаводчилар ўйинни шиддатли бошладилар ва тезда муваффақиятга эришдилар (Фетисов). Танаффусдан сўнг Петриашвили ва Гуцаев иккита тўп киритишди. Бироқ, тбилисиликлар ғалабага эриша олмадилар — Шалимов ҳисобни 2:2 қилди.

Лужникида «Спартак» турли сабабларга кўра етакчи олти ўйинчисисиз «Карпати»ни қабул қилди. Ўйин 3:1 ҳисобида львовликлар фойдасига ҳал бўлди.

Пешқадам ва аутсайдер — «Заря» ва «Локомотив» ўзаро 1:1 ҳисобида ўйнашди (тўпларни Онищенко ва Козлов киритдилар). Шунингдек, мамлакат чемпиони ва олий лигаанинг янги аъзоси — Киевнинг «Динамо» ва «Днепр» командалари ҳам дуранг қилдилар. Ҳисоб 2:2. Тўпларни Пузач, Колотов ва Поркуян (иккита) киритдилар. «Арарат» муваффақиятли ўйнашда давом этмоқда. Арман футболчилари Минскнинг «Динамо» командасини қабул қилиб, 2 очко олдилар — 2:1. Заназанян, Казарян ва Григорьев нишонни тўғри олдилар). СКА (Ростов) — «Динамо» (Москва) ўйинида ҳисоб 0:3 бўлди.

МЮНХЕНГА КИМЛАР БОРАДИ

СССР футбол федерацияси 20-олимпиада ўйинларида қатнашадиган Совет Иттифоқи терма командасининг 19 ўйинчиси фамилияларини Мюнхенга юборилган заявкага киритди. Терма команда устозлари А. Пономарев ва Г. Зонин қуйидагиларни танладилар. Дарвозабонлар — Е. Рудаков ва В. Пилгуй, ҳимоячилар — Р. Дзодзуашвили, М. Хурцилава, В. Капличний, Ю. Истомин, С. Ольшанский, Е. Ловчев, ярим ҳимоячилар — И. Сабо, А. Якубик, О. Заназанян, А. Андриасян, В. Колотов, А. Куксов, ҳужумчилар — В. Онищенко, В. Семёнов, Ю. Елисеев, О. Блохин, Г. Евржихин.

Терма команда ўйинчилари бугундан бошлаб биргаликда тайёргарлик кўрадилар. 17 августда СССР олимпия командаси мамлакат иккинчи терма командаси билан кўч синашмоқчи. Шундан бир ҳафта сўнг совет футболчилари ГФРга йўл оладилар. 28 августда олимпия турнирининг биринчи ўйинида Бирма командаси билан майдонга тушадилар.

Реклама ва эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
12, 13 АВГУСТ КЕЧ СОАТ 8 ДА
БУТТИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ВОКАЛЬ-МУЗИКАЛИ ХОРЕОГРАФИК
«ЛАЗГИ» ансамблининг концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ГУЛСАРА ЁҚУБОВА

VI Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивалининг лауреатлари: Онабиби АҲМЕДОВА, Отамурод ХОЖИЕВ, Ражаб ЙЎЛДОШЕВ.

Солистлар: Шариф СУЛТОНОВ, Нуржахон САТТОРОВА, Ойина ҲАЛИЛОВА, Турсуной МАМЕДОВА;

Раққосалар ва раққослар: Рашида АЗИМОВА, Дилбар ОЛЛОБЕРГАНОВА, Раъно ЖУМАНИЕЗОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Ойдин ЭГАМБЕРДИЕВА, Светлана ПОПОВА, Бекажон ҲАЙИТОВА, Назира СУЛТОНОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Жумабой БОБОЕВ, МАРАТ ЖУМАБОЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Қодир уста БОБОЖОНОВ, Собир ЙЎЛДОШЕВ, Назир ОЛЛОБЕРГАНОВ, Элуддин ШАХОБИДДИНОВ, Усмон АХМОНОВ, Тоҳир АЪЗАМОВ.

Ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССР халқ артисти ГАВҲАР РАҲИМОВА.

Программани — Зуҳра ТЕМИРОВА олиб боради.

Билетлар сотилмоқда.

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
12, 13 АВГУСТ КЕЧ СОАТ 8 ЯРИМДА

КАТТА АСКИЯ, КУЛГИ ВА ДАМ ОЛИШ КЕЧАЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

АНДИЖОНДАН: Абдулҳай Махсум ҚОЗОҚОВ, Раҳматқул ЯШАРОВ, Ғуломжон РУЗИБОЕВ ва хонанда-созандалар;

ҚУҚОНДАН: ИЖРОҚУМБУВА, Йўлдошхон НОСИРОВ, Неъматжон ТОШМАТОВ.

Хажвчи ва қизиқчилардан — Мадаминжон ЮСУПОВ ва Мухиддин ДАРВИШОВлар;

ФАРҒОНАДАН: Ғойибака ТОШМАТОВ, Насриддинака МИРЗААҲМЕДОВ, Мамарозиқ ИСҲОҚОВ, Обил НОРМАТОВ ва катта ашулачилар;

ТОШКЕНТДАН: Қодирхон УСМОНОВ, Айниддин ЗАЙНИДДИНОВ, Фозил СУЛТОНОВ ва лирик қўшиқчилар.

Билетлар сотилмоқда.

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 11.00 «Ёзги ҳикоялар» (бадиий фильм), 12.25 — Кўрсатувлар программаси.

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.00 — Болалар учун. «Ёш куч» (спорт кўрсатуви), 19.30 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида), 18.45 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ишчи қўллари», 19.30 — «Дўстлик» маршрути бўйлаб» (телеочерк), 20.30 — «Ахборот» информацион программаси, 20.50 — «Совет кино санъатининг усталари» А. МИХАЛКОВ-КОНЧАЛОВСКИЙ, 22.30 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. «Ноз-неъмат бунёдкори».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.05 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 Врач маслаҳати. 20.15 — «Аму соҳилидаги шаҳар» (ҳужжатли фильм).

20.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.00 — «Дўстим уста Ашимов» (ҳужжатли фильм, Ўзбек тилида), 22.15 — Реклама ва эълонлар (рус тилида).

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — Фортепьяно куйларидан концерт (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 20.30 — «Тўқиндa-02» 21.00 — «Очилган қўриқ» (бадиий фильмнинг 3-серияси).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/VIII да Менинг жаннатим, 12/VIII да Лаҳна (қишки бинода).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қароқчи-қариялар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 11, 3, 4 ва кеч 9 да).

Туман тарқалгач... — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Дунё (2 серия, ўзбек тилида)—НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Садоқат — «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 5 ва кеч 6, 8 да).

Менинг исмим — масҳарабоз (3 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11 ярим, 4 ва кеч 8.15 минутда).

Ёмон об-ҳаводан яхши нима бор? — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Яшасин севги — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Қароқчи-қариялар — «ФЕСТИВАЛЬ».

Сўнгги қалъа — «ХИВА».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697.
Р—04386. Б. 1813.